



**Allegheny  
Health Network**

---

## МАҚСАД

Ушбу сиёсатнинг мақсади беморларни Аллегейни соғлиқни сақлаш тармоғининг (Allegheny Health Network – AHN) Молиявий ёрдам сиёсати (“Сиёсат”) ҳақидаги маълумотлар билан таъминлашдир. Сиёсатда bemorlarning AHN’даги тиббий ҳисобига кўра, молиявий ёрдам учун ҳақли эканлигини аниқлаш жараёни, муносиб bemorlar учун мавжуд молиявий ёрдам турлари ва ушбу Сиёсат бўйича кўрсатиладиган ва кўрсатilmайдиган хизматлар, шунингдек, молиявий ёрдамга муносиб bemorlarга оид ҳисобларни тақдим этиш ва тўловларни йиғиш тартиб-қоидалари келтирилган. Бундан ташқари, ушбу Сиёсат асосида ёрдам олишни хоҳловчи ёки ёрдам олувчи bemorlarга оид ҳисобларни тақдим қилиш ва тўловларни йиғиш жараёнининг таркибий қисмлари ҳам келтирилган.

## ҚАМРОВ

AHN’нинг вазифаси жамиятдаги жисмоний шахсларга, жумладан, молиявий манбалари ва даромади чекланганлиги сабабли хизматлар учун ҳақ тўлашга қийналиши мумкин бўлган шахсларга тиббий ёрдам хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратишдан иборатdir. AHN, ҳеч қандай камситишларсиз, bemorlarning тўлов амалга ошириш имкониятидан қатъий назар, шошилинч тиббий вазиятларда кишиларга тиббий ёрдам хизматларини кўрсатади. Бу сиёсат AHN шифохоналарида кўрсатиладиган барча шошилинч ва бошқа зарурий тиббий мұолажалар, жумладан, шу шифохоналарда бошқа тегишли ташкилотлар (Ички даромад хизмати томонидан белгиланган тартибда) томонидан кўрсатилган хизматлар учун амал қиласди.

Мазкур Сиёсат амал қиласдиган шифохоналар Аллегейни марказий шифохонаси, Аллегейни водийси шифохонаси, Кенонсбург шифохонаси, Форбес шифохонаси, Гров шахри, Жефферсон шифохонаси, Авлиё Винсэнт шифохонаси, Вэст Пенн шифохонаси, Вэстфелд ёдгорлик шифохонаси, Вексфорд шифохонаси, AHN Ҳармар район шифохонаси, AHN МакКандлес район шифохонаси, AHN Брентвуд район шифохонаси ва AHN Хемфилд район шифохонаси ҳисобланади. Ушбу Сиёсат амал қиласдиган ва амал қиласдиган хизмат кўрсатувчиларнинг тўлиқ рўйхати С иловада берилган. Вестфелд ва Нью-Йоркдаги хизмат кўрсатиш ҳудудлари учун қўшимча ва алоҳида талаблар Э иловада келтирилган.

Мазкур Сиёсат даврий равишда қайта кўриб чиқилади ва бизнес фаолияти талаб қилса, исталган вақтда қайта кўриб чиқилиши ва таҳrirланиши мумкин. Бу Сиёсат AHN директорлар кенгаши ва

тегишли АНН шифохонаси директорлар кенгаши томонидан қабул қилинган ва бу кенгашлар Сиёсатга алоқадор ҳар қандай аҳамиятли ўзгаришларни тасдиқлаши лозим; бирок, АНН ва АНН шифохоналари кенгашлари томонидан молиявий масалалар бўйича АНН Бош директорига Сиёсатга унинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлишини талаб этувчи ўзгаришларни ҳамда бошқа лозим ва ўринли деб топилган кичик ўзгаришларни киритиш ваколати берилган.

## ТУШУНЧАЛАР

**Умумий ҳисоб суммалари (Amounts Generally Billed, AGB):** AGB, одатда, 1.501(r)-5(b) бўлимига мувофиқ белгиланган тиббий хизматлар харажатини қопловчи сұғуртага эга бўлган шахсларга кўрсатилган шошилинч ёки бошқа зарурий тиббий хизматлар учун тўланиши керак бўлган бадаллар миқдори сифатида таърифланади.

Ички даромадлар кодекси 501(r) бўлими талабларига мувофиқ, АНН шошилинч ёки бошқа зарурий тиббий ёрдам хизматлари учун AGB’ни белгилашда, 26 C.F.R. 1, 53 ва 652-қисмларга кўра, “Look-Back” методидан фойдаланади. AGB аввалги 12 ой давомидаги хусусий сұғуртачилар, Medicare ва Medicaid тўловли хизматлари томонидан рухсат берилган шошилинч ва бошқа зарурий тиббий ёрдам хизматлари учун АНН’нинг барча талаблари суммалари йиғиндисини ушбу талаблар бўйича тегишли ялпи бадаллар йиғиндисига бўлиш орқали ҳисобланади.

Ички даромад кодекси 501(r) бўлимидаги тамойиллар асосида, АНН молиявий ёрдамга ҳақли бўлган шахсларга кўрсатилувчи шошилинч ва бошқа зарурий тиббий ёрдам хизматлари учун олинадиган ҳақ миқдорларини чеклаб қўйган. Молиявий ёрдамга ҳақли деб топилганидан кейин, ушбу шахслардан AGB’дан юқори ҳақ ундирилмаслиги лозим.

Кенг жамоатчилик ушбу веб-сайтга [<https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-bills>] ташриф буюриш ёки қўйида келтирилган манзилга ёзма сўров юбориш орқали АГБ ва уни ҳисоблаш тартиби ҳақида ёзма равишда ва белул маълумот олиши мумкин:

Charity Care Policy  
Director Financial Advocacy  
Allegheny Health Network  
10th Floor, 4 Allegheny Center  
Pittsburgh, PA 15212

**Молиявий ёрдам масаласи кўриб чиқилаётганда ҳисобга олинмайдиган маҳсус ликвидли активлар:** Молиявий ёрдамга ҳақлилик масаласи ҳал қилинаётганда, пенсия фондларига ажратиладиган нафақага чиқиш фондлари, 401 (k) ёки бошқа шунга ўхшаш нафақавий инвестиция ҳисоблари, асосий турар жой ва асосий транспорт воситаси ҳисоб-китобларга киритилмайди.

**Шошилинч тиббий вазият:** “Ижтимоий ҳимоя тўғрисида”ги қонуннинг (42 U.S.C. 1395dd) 1867-бўлимида келтирилган. Шошилинч тиббий вазият етарлича оғир даражадаги ўткир симптомлар орқали намоён бўладиган тиббий ҳолат сифатида тавсифланади (жумладан, кучли оғриқ, руҳий ҳолатнинг бузилиши ва/ёки психоактив моддаларга қарамлик белгилари). Бу ҳолатда тезкор тиббий ёрдамнинг кўрсатилмаслиги натижасида қўйидаги ҳоллар юзага келиши кутилади: (1)

шахснинг соғлигини (ёки ҳомиладор аёлга нисбатан, аёлнинг ёхуд унинг туғилмаган фарзанди соғлигини) жиддий хавф остида қолиши; (2) организм функцияларининг жиддий заарланиши; ёки (3) бирор тана аъзоси ёки қисми функцияларининг жиддий бузилиши.

**Бадалларни фавқулодда йиғиб олиш чоралари (ECAs)**: Ички даромад кодекси 501 (г) бўлимига мувофиқ, қўйидагиларни ўз ичига олиши белгиланган:

- Қарзни бошқа тарафга сотиш, айрим истисно ҳолатлар бундан мустасно
- Истеъмолчилар кредити юзасидан ҳисобот бериш агентликлари ёки кредит бюроларига салбий маълумотларни тақдим этиш
- Ҳуқуқий ёки суд жараёни талаб этиладиган чораларни кўриш, жумладан, бироқ шу билан чекламаган ҳолда, қўйидагилар:
  - Мулкни хатлаш (айрим истиснолар мавжуд)
  - Кўчмас мулкни гаровга олиш
  - Банк ҳисобини ёки бирор бошқа шахсий мулкни бириттириш ёки олиб қўйиш
  - Фуқаровий даъво қўзғатиш
  - Шахснинг ҳибсга олинишига сабабчи бўлиш
  - Шахснинг мажбурий келтирилишига сабабчи бўлиш
  - Ойлик маошдан ушлаб қолиш

**Оила:** Рўйхатга олиш бюроси таърифига кўра, биргаликда яшайдиган ва туғилиш, никоҳ тузиш ёки сақлаб олиш орқали бир-бирига боғлиқ бўлган икки ёки ундан ортиқ кишилар гурӯҳи. Ички даромад хизмати қоидаларига кўра, агар бемор бирор кишини ўз даромад солиғи декларацияда ўзига қарам эканлигини айтиб мурожаат қилса, ушбу Сиёсатга мувофиқ, у молиявий ёрдам билан таъминлаш масаласи юзасидан қарам деб ҳисобланishi мумкин.

**Қашшоқлик бўйича федерал йўриқнома:** Қашшоқлик бўйича федерал йўриқнома Америка Кўшма Штатлари кодексининг 42-сарлавҳаси 9902-бўлими (2) суб-бўлимига мувофиқ, АҚШ Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар вазирлиги томонидан федерал реестрда ҳар йили янгиланиб турадиган асосий тамойиллар ҳисобланади.

**Молиявий ёрдам:** АНН шифохоналари, тармоқда ишлайдиган шифокорлар ҳамда АНН ҳақлилик мезони асосида ҳақлилик дастури томонидан белгиланган С иловада келтирилган тармоқда ишламайдиган шифокорлар ва бошқа филиал ташкилотлар томонидан беморларга кўрсатиладиган хизматлар учун тўланадиган ҳақдан беморларни тўлиқ ёки қисман озод қилиш.

**Кафил:** Агар бемор ҳисоб ёки қарзини тўламаса ёхуд тўлай олмаса, беморга тақдим этилган ҳисобни ёки унинг қарзини тўлашга масъул бўлган бошқа бир шахс.

**Ялпли бадаллар:** Шартномавий ҳақлар (жумладан, келишилган чегирмалар), йиғимлар юзасидан берилган бошқа чегирмалар ва қўлланиладиган тўловлар олинишидан олдинги, беморни тиббий ғамхўрлик хизмати билан таъминлаганлик учун тўлиқ ўрнатилган АНН тарифлари ва умумий бадаллари.

**Даромад:** Оилавий даромад құйидагиларни ўз ичига олади: ойлик маошлар, соатбай ҳақлар, ишсизлик нафақаси, бола учун алимент, тиббий ёрдам күрсатиш бўйича ҳар қандай мажбуриятлар, хотин/эр учун алимент, ижтимоий таъминот даромадлари, ногиронлик нафақалари, пенсия ёки нафақага чиқиш даромади, ижара ҳақлари, муаллифлик ҳуқуқи учун ҳақлар, мулк ёки трастлардан келувчи даромад, суд қарорлари бўйича ҳақлар, дивидентлар, фоиз ҳақлар ва ушбу ҳужжатда белгиланган тартибда истисно этилмаган ҳар қандай солиқса тортиувчи даромад.

Айрим моддий манбалар, мазкур Сиёсатга мувофиқ амалга оширилган текширув асосида, ҳисобга олинмайди. Асосий турар жойдаги улуш, пенсия режаси ҳисоблари, дағн маросими учун мўлжалланган қайтарилмайдиган трастлар, федерал ёки штат томонидан бошқариладиган коллеж таълими учун жамғармалар шулар жумласидандир. 18 ёшдан кичик бўлган беморлар учун оилавий даромад ота-она ва/ёки ўгай ота-она, турмуш қурмаган ёки уй жуфтликларнинг (вояга етмаган бемор билан бирга яшаётган ёки яшамаётган ҳам мумкин) даромадларини ўз ичига олади.

Mazkur Siyosat maqsadlari yuzasidan yillik daromad bemor tomonidan taqdim etilgan yillik daromad haqidagi ma'lumotlar asosida aniqlanadi. Қоидага кўра, йиллик даромад ариза топшириш вақтида AHN'га тақдим этилган солиқ декларациялари, W-2, иш ҳақи тўлови чеклари каби энг сўнгги расмий жадваллардаги ва/ёки бошқа тегишли ҳужжатлар ва маълумотлардаги суммаларни кўриб чиқиш орқали ҳисобланади. Агар қўллаш мумкин бўлса, сўнгги тўлиқ бир йилдаги даромад маълумотлари мавжуд бўлмаган ёки бемор даромади таҳлилида яқинда юз берган ўзгаришлар бўлган тақдирда, тахминий йиллик даромадни ҳисоблаб чиқаришда AHN бошқа бир оқилона методни қўллаши мумкин.

AHN ихтиёрига кўра, йиллик даромадни ҳисобланадиганда ва ушбу Сиёсатга мувофиқ, молиявий ёрдам олишга ҳақлилик масаласи ҳал қилинаётганда ишнинг йўқотилиши, ишга кириш, ишнинг ўзгартирилиши ва шу каби сўнгги ҳолатлар, шунингдек, AHN томонидан оқилона қарорларнинг қўлланилиши ҳисобга олиниши мумкин.

**Ликвидли активлар:** Ликвидли активларга нақд пул, чеклар, жамғарма ва пул бозори ҳисоблари, депозит сертификатлари, ўзаро инвестиция фондлари, облигациялар ва бемор ёки кафилга тегишли бошқа шунга ўхшаш молиявий воситалар киради. Филовада келтирилган миқдорлардан ошиқ бўлган ликвидли активлар, молиявий ёрдам масаласи кўриб чиқилишидан олдин, AHN олдидаги ҳар қандай қарздорлик ёки ҳисобга нисбатан қўлланилиши лозим.

**Тиббий қийинчилик:** Ушбу Сиёсат мақсадлари бўйича, бемор учун масъуль шахснинг бемор томонидан тўланиши зарур бўлган харажатлари, барча ликвидли активлар, суғурталар ва бошқа учинчи томон таъминотларидан фойдаланиб бўлингандан кейин, ўз йиллик даромадининг 25% ини ташкил этса ёки ундан ошиб кетса, тиббий қийинчиликка учраган деб ҳисобланади.

**Тиббий жиҳатдан зарур:** Касаллик ёки жароҳатни даъволаш ёхуд уларга ташхис қўйиш учун оқилона ва зарурий хизмат ёки ашёлар сифатида Medicare ёки Medicaid хизматлари марказлари томонидан белгиланади.

## **МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БҮЛИШ (ВА УНИ ОЛИШ ЖАРАЁНИ) МЕЗОНЛАРИ**

### **1. Жараённинг умумий тавсифи**

Молиявий ёрдам олиш учун мурожаат қилувчи беморлар бир қанча мұхим босқичлардан үтади ва улар одатда қуийидагича тоифаланади.

- A. Бемор мазкур Сиёсатга мувофиқ мавжуд молиявий ёрдам даражаси ва унга ҳақлилик мезонлари ҳақида тушунчага эга бўлиши керак
- B. Бемор ариза топшириш жараёнини якунлайди
- C. АНН молиявий ёрдам белгилаш масаласини ҳал қиласди
- D. Агар маъқулланса, молиявий ёрдам беморнинг ҳисобига ўтказилади

### **2. Ҳақлилик ва мавжуд молиявий ёрдам мезони**

**Яшаш жойи:** Бемор Америка Қўшма Штатлари фуқароси ёки АҚШда қонуний равишда доимий истиқомат қилувчи шахс бўлиши ва Пенсильвания Ҳамдўстлиги ёки Нью-Йорк штати Вестфилд ёдгорлик касалхонаси истиқоматчиси бўлиши керак. Халқаро беморлар ёки ноқонуний иммигрантлар, агар Medicaidучун ҳақли бўлса, молиявий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Мамлакатда доимий яшамайдиган ҳамда халқаро беморлар учун маҳсус шартлар белгиланган бўлиши мумкин (масалан, автоҳалокат, фавқулодда касаллик). Ушбу ҳолларда, АНН ихтиёрига кўра, бундай bemorларнинг мазкур Сиёсатга мувофиқ молиявий ёрдам олишга ҳақлилик масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

**Дастлаб bemorning бошқа мавжуд молиялаштириш манбаларидан фойдаланишга ҳаракат қилганлиги:** Бемор мавжуд бўлган бошқа оқилона мүқобил тиббий имтиёзлардан

фойдаланиш учун вижданан ҳаракат қилиб, ариза топширганлиги ва уларга амал қилганлигини (масалан, Medicaid'га ҳақлилик ёки "Оқилона тиббий хизмат тўғрисида"ги қонунига асосан маблағ билан тамъминланадиган бошқа тиббий имтиёз дастурлари) кўрсатиб бера олиши ёки Medicaid ва бошқа дастурлардан ёрдам олиш учун ҳақлилик талабларига мос тушмаслигини кўрсатувчи далил/исбот тақдим қилиши лозим.

- **Бошқа молиялаштириш манбаларини излаш ва улардан фойдаланишга ҳаракат қилишдан бош тортиш:** Ўзларида мавжуд суғурта варианларидан фойдаланишдан бош тортган ёки суғурта тўловининг барча манбаларидан (масалан, умрбод захира кунлари Medicare дастури) фойдаланиб бўлмаган bemorларга молиявий ёрдам кўрсатилмайди.

**Молиявий ёрдам орқали қопланадиган хизмат турлари:** Молиявий ёрдам фақатгина шошилинч ва бошқа зарурий тиббий ёрдам хизматлари учун қўлланилади. Мазкур сиёсатга мувофиқ, молиявий ёрдам орқали қопланмайдиган белгиланган хизмат турлари А иловада келтирилган. Бемор тиббиёт нуқтаи назаридан кераксиз деб ҳисобланувчи муолажаларни бекор қилмаса ва оқибатда қўшимча тўловлар келиб чиқса, ушбу ҳолат юзасидан вужудга келувчи мажбуриятлар учун молиявий ёрдам кўрсатилмайди. Дори-дармон масаласида эса, молиявий ёрдам чегирмалари фақатгина станционарда қолиб даволаниш ёки амбулатория

хизмати давомида АНН томонидан тақдим этилган дори-дармонларга нисбатан амал қилади. Сүғурта қилувчи томонидан қопланадиган хизматларни кўрсатиш суд муҳокамаси, бемор томонидан ҳамкорликка киришилмаганлик ёки бемор томонидан тақдим қилинган нотўғри маълумотларни қабул қилиниши (ёки уларга ишониш) натижасида рад этилган бўлса, бундай хизматларга нисбатан молиявий ёрдам сиёсати амал қилмайди.

**Молиявий ёрдам чегараси мезонлари ва ҳисоблаш:** Бемор бадалларни тўлаш учун иқтисодий манбаларга эга ёки эга эмаслиги ва мазкур Сиёсатга мувофиқ, Сиёсатнинг бошқа мезонларига мос келганида (яшаш жойи каби), молиявий ёрдам олиш талабларига мос келиш-келмаслигини аниқлашда қўлланиладиган учта асосий молиявий мезон мавжуд.

1. Биринчидан, bemorning ликвидли активлари аниқлаб олинади (юқорироқда келтириб ўтилган ликвидли активлар тушунчаси таърифига қаранг). Агар ликвидли активлар Ф иловада келтирилган миқдорларнинг чегара даражасидан ошиб кетса, дастлаб, чегара даражасидан ошган ҳар қандай ликвидли активлардан bemorning АНН олдидағи қарзини қоплаш учун фойдаланилиши лозим.
2. Биринчи босқич якунлангандан кейин, ҳисобга кўра bemorning қарэздорлиги ҳали ҳам ёпилмаган бўлса, bemor даромадлари асосида баҳоланади. Агар bemor ва/ёки кафилнинг оиласи даромади Федерал қашшоқлик даражаси (Federal Poverty Level, FPL) нинг 200% ига тенг ёки ундан кам бўлса, АНН bemor томонидан тўланиши керак бўлган ва мазкур Сиёсатга кўра, молиявий ёрдам олиш шартларига тушувчи тўланмаган қолдик миқдордан 100% воз кечади. Йиллик даромади FPL'ning 200% идан кўпроқ бўлган bemor ёки кафилга молиявий ёрдам кўрсатилмайди, улар қўйида келтирилган тиббий қийинчиликка учраганлик шартларига мос тушган ҳоллар бундан мустасно. Жорий кўрсатмалар ва FPL жадвали билан Б иловада танишинг.
3. 2 босқич муқобили сифатида, bemorda тиббий қийинчилик ҳолати кузатилиши мумкин. Тиббий қийинчиликка учраганлик мезонига мос тушувчи bemor даромади FPL'ning 200% ига тенг ёки ундан кам бўлган кишилар билан бир хил тартиб ва миқдорда молиявий ёрдам олиш учун ҳақли ҳисобланади.

Одатда, АНН даромади FPL'ning 200% идан ошувчи bemorларни, агар улар тиббий қийинчиликка учраганлик мезонига мос тўғри келмаса, молиявий ёрдам билан таъминламайди.

АНН bemorni молиявий ёрдам учун тахминий равишда **тасдиқлашда**, бундан олдинги молиявий ёрдам учун ҳақлиликни белгилаш тўғрисидаги қарорлардан фойдаланмайди. Bemorga кўрсатиладиган молиявий ёрдам тугаганда, bemor молиявий ёрдам олиш учун қайтадан ариза бериши лозим. Одатда, молиявий ёрдам олишга ҳақли деб топилган шахс, мазкур Сиёсатга мувофиқ, қайтадан молиявий ёрдамдан фойдаланишга ҳақли деб топилишини сўраб мурожаат қилишидан олдин, 6 ой мобайнida ушбу ёрдамни олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Шунингдек, ҳар қандай АНН шифохонасига топширилган ва тасдиқланган

молиявий ёрдам ҳақидаги ариза барча АНН шифохоналарига амал қилади, Вестфилд ёдгорлик шифохонаси бундан мустасно.

### 3. Ариза топшириш жараёни

Ушбу Сиёсатта мувоғиқ кўриб чиқилиши учун, одатда, беморлар молиявий ёрдам ҳақидаги АНН аризаси шаклини тўлдириши керак бўлади.

Беморлар, даромад ва/ёки активларининг исботи сифатида, қўйида келтирилган тасдиқловчи ҳужжатлардан бирини ёки бир нечтасини топшириши лозим:

- Федерал даромад солиги шакли 1040 ёки олдинги йилдаги солиқлар ҳақида ҳисобот берувчи бошқа федерал шакл(лар) (ҳар қандай аҳамиятли даромад ўзгаришлари изоҳланган бўлиши керак)
- Иш ҳақи тўлови чекларининг нусхалари (охирги 30 кунлик)
- Ҳар қандай олинган бошқа даромадларнинг ёзма тасдиғи (масалан, эр/хотин учун алимент, фарзанд үчун алимент, ногиронлик нафақаси, нафақалар, ижарадан олинган даромад, ўзини ўзи иш билан таъминлаганикдаги даромадлар тасдиғи (охирги ой юзасидан фойда ва йўқотишлар баёноти), ижтимоий таъминот тўлови, ишсизлик нафақаси, VA имтиёзлари, ариза топширишнинг бир қисми сифатида ишчилар учун компенсация талаб этилиши мумкин)
- Молиявий ёрдам учун ариза бериш санасигача бўлган энг охирги ой учун банк маълумотлари
- Хизмат кўрсатиш саналари банкротлик жараёнида кўриб чиқилишига олиб келувчи банкротлик ҳақидаги хабарномалар
- Беморга молиявий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини бериши мумкин бўлган bemor/кафилнинг даромади/активлари ҳақидаги маълумотларни тасдиқловчи расмий тасдиқ хати
- Агар мавжуд бўлса ва қўллаш мумкин бўлса, уйсизлар бошпанасида яшаётганликни ёки уйсиз эканликни тасдиқловчи ҳужжат

Аризалар bemor шифохонадан чиққанидан кейин АНН тўлов ҳисобини bemorга биринчи марта юборган санадан бошлаб 240 кун ичида қабул қилиниши лозим (“ариза топшириш муддати”).

Бемор томонидан тўлиқ аризанинг топширилмаслиги ёки ариза топшириш муддати ичида талаб этилган тасдиқловчи ҳужжатлар билан биргаликда аризани қайтармаслик молиявий ёрдам кўрсатишнинг рад этилишига сабаб бўлиши мумкин.

- Хабардор қилиш даври кишиларга АНН томонидан ушбу Сиёсат ҳақида хабар берилиши лозим бўлган давр ҳисобланади. Бу давр шахсга тиббий хизмат кўрсатилган санадан бошланади ва bemor шифохонадан чиққач, АНН томонидан тўлов ҳисоби bemorга биринчи марта тақдим этилганидан кейин 120-кунда тугайди. Агар bemor хабардор қилиш даври тугагунича молиявий ёрдам ҳақидаги аризани топширмаса, АНН bemor ҳисобидан тўловларни йиғиб олиш мақсадида Бадалларни фавқулодда йиғиб олиш чоралари (ЕСАлар) дан фойдаланиши мумкин

- АНН ариза беришнинг узоқроқ даври мобайнида топширилган аризаларни қабул қилиши ва кўриб чиқиши мумкин. Ушбу узоқроқ давр АНН томонидан тўлов ҳисоби беморга биринчи марта тақдим этилганидан кейин 240-кунда тугайди
- Қўшимча ҳужжатлар талаф этиладиган ҳар қандай ариза қўшимча ахборот сўраб беморга мактуб юборилишига сабаб бўлади. Шунингдек, керакли қўшимча маълумотлар ҳақида аризачини хабардор қилиш учун унга телефондан қўнғироқ қилиниши ҳам мумкин. Агар беморни ҳақли деб топиш учун зарур бўлган барча маълумотлар 20 кунлик ариза топшириш муддати давомида қабул қилиб олинмаса, молиявий ёрдам ҳақидаги ариза АНН томонидан рад этилиши
- Молиявий ёрдам ҳақидаги тўлиқ аризалар барча зарурий ҳужжатлар илова қилинган ҳолда қўйида келтирилган манзилга юборилиши лозим. Молиявий ёрдам бошқармаси ушбу Сиёсат ҳақида маълумот билан таъминлайди ҳамда беморларнинг молиявий ёрдамга ҳақли эканлигини аниқлашда улар билан ишлашга масъул ҳисобланади

AHN Revenue Cycle Operations  
 Financial Advocacy  
 4 Allegheny Center, 10<sup>th</sup> Floor  
 Pittsburgh, Pa 15212

Мазкур сиёсат ҳақидаги маълумотга ёки ариза тўлдиришда ёрдамга муҳтоҷ бўлган беморлар АНН Молиявий ёрдам бошқармаси билан боғланиши лозим (1-855-493-2500).

#### **4. Молиявий ёрдам масаласини ҳал қилиш**

Бемор тасдиқланганда, тасдиқланган санадан бошлаб олти ойлик давр мобайнида молиявий ёрдам берилади. АНН молиявий ёрдам ҳақидаги аризанинг топширилишига турткى бўлган бемор шифохонадан чиқсандан кейинги биринчи тўлов ҳисобидан бошлаб 240 кун мобайнидаги аввалги ҳисобларга нисбатан молиявий ёрдам тузатишларини қўллайди. Бироқ АНН 501 (г) бўлимидаги талаф этилган одатий муддатлар ўтказиб юборилганда, молиявий ёрдам қўлланилишининг орқага қайтиш кучини чеклаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Одатда бундай чеклов беморнинг жорий молиявий аҳволи ва тасдиқланишидан олдинги олти ойлик даврдаги молиявий аҳволи ўртасида ўта катта фарқлар мавжуд бўлганда ҳамда бундай фарқлардан ташқари, олдинги даврда тўланмаган тиббий бадалларни тўлаш учун етарлича маблағ ёки даромад мавжуд бўлганлиги ҳақида аниқ факт бўлган тақдирдагина қўлланилади.

Молиявий ёрдам чегирмалари фақатгина bemor тўлаши лозим бўлган суммаларга нисбатан амал қиласди; суғурта хизмати томонидан қопланадиган суммаларга нисбатан амал қilmайдi.

Шахснинг молиявий ёрдам олишга ҳақли ёки ҳақли эмаслигини аниқлашда бир қанча турли шартшароитлар ҳисобга олиниши мумкин. Қўйидагилар шулар жумласидандир:

- Беморнинг тиббий ёрдам дастурига ёки қониқарли суғурта бадалларига эга эмаслиги
- Беморнинг суғурта бадалларидан фойдаланиб бўлганлиги
- Асосий суғурта бадали тўланган бўлса-да, иккиласи жавобгарликнинг мавжудлиги
- Беморнинг тиббий қийинчиликка учраганлиги сабабли ночор деб ҳисобланиши
- Вафот этган bemornинг мулки қарз миқдорини қоплашга ишлатилади

- Бемор томонидан савол остидаги саналарда кўрсатилган хизматлар учун bemorning ҳақ тўлаш мажбуриятига таъсир этувчи банкротлик ҳақидаги расмий қарорнинг тақдим этилиши
- Беморнинг уйсиз эканлиги ёки унинг уйсизлар бошпанасида яшаши исботланганлиги AHN барча молиявий ёрдам сўровларини дарҳол кўриб чиқади ҳамда **талаф даражасида тўлдирилган** ариза қабул қилингандан бошлаб 14 кун ичida bemor ёки аризачига уларнинг молиявий ёрдам олишга ҳақли ёки ҳақли эмаслиги ҳақидаги қарори тўғрисида ёзма билдиришнома юборади.

AHN аризачининг мазкур Сиёsat ёки молиявий ёрдам ҳақидаги ариза шаклида сўралган маълумот ёки ҳужжатлардан бошқа маълумот ёхуд ҳужжат тақдим этмаганлигига асосланиб аризани рад қилиши мумкин эмас.

Бемор AHN'ning молиявий ёрдамни рад этганлик ҳақидаги ҳар қандай қарорини қайта кўриб чиқиши сўраши мумкин. Бемор молиявий ёрдамнинг рад этилгани ҳақидаги ҳужжатни қабул қилиб олган кунидан бошлаб 30 кун ичida қарорни қайта кўриб чиқиш тўғрисида оғзаки ёки ёзма сўров топшириши лозим. Қайта кўриб чиқиш сўрови AHN томонидан қабул қилингандан кейин 30 кун ичida Молиявий ёрдам бошқармаси бошқаруви вакили ёки унинг ваколатли ўринбосари томонидан қайта кўриб чиқиш амалга оширилади. Шу муддат ичida талаф қилинган қайта кўриб чиқиши якунлаш учун зарур бўлган ҳар қандай қўшимча маълумот қабул қилинади ва текширилади.

Агар молиявий ёрдам тасдиқланса, bemor ҳисобида кредит баланс яратилади (тўлов ҳисобининг bemor тўлаши керак бўлган қисми учун bemor ёки унинг номидан бошқа шахс томонидан қилинган олдинги тўловдан қолган кредит), кейин эса bemor ёки тўловни амалга оширган шахсга (шароитдан келиб чиқиб) тасдиқланган молиявий ёрдам кўрсатиш даври мобайнида кўрсатилган тиббий хизматлар учун қилинган барча тўловлар қайтарилади. Бироқ бундай тўловларнинг қайтарилиши молиявий ёрдам аниқ амал қиласиган саналар ёки хизматлар юзасидан амалга оширилади.

Молиявий ёрдамнинг тасдиқланиши натижасида bemorning ҳисобига киритилувчи ҳар қандай тузатишлар AHN'даги муносаб мансабдор шахс томонидан тасдиқланиши лозим. Мазкур Siёsatга мувофиқ bemorning ҳисобига киритилиши таклиф этилган тузатишлар (ялпи бадаллар асосида) қўйидаги даражада тасдиқланиши лозим:

<b>Молиявий ёрдам бошқармаси директори ўринбосари</b>	<b>\$0-\$10 000</b>
<b>Молиявий ёрдам бошқармаси директори</b>	<b>\$10 001 - \$50 000</b>
<b>Даромадлар бошқаруви бўйича вице-президент</b>	<b>\$50 001 - \$100 000</b>
<b>Даромадлар бошқаруви бўйича бош директор</b>	<b>\$100 001 - \$250 000</b>

Молиявий ёрдам юзасидан bemor ҳисобига киритилувчи \$250 000 дан кўп бўлган барча тузатишлар Молиявий ишлар бўйича AHN бош директори ёки унинг ўринбосари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

## **5. Тахминий ҳақиликни аниқлаш**

Баъзи беморлар молиявий ёрдам ҳақидаги аризани тўлдириш, талаб этилган ҳужжатларни тақдим этиш ёки бошқа бир шаклда ариза топшириш жараёнини амалга оширишга қодир бўлмаслиги мумкинлигини тушунади. Шу сабабли, айрим ҳолларда расмий молиявий ёрдам аризасини тўлдирилмаса ҳам, bemor молиявий ёрдам олишга ҳақли деб топиладиган вазиятлар бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда АНН шифохоналари шахснинг молиявий эҳтиёжини баҳолаш учун бошқа маълумот манбаларидан фойдаланиши мумкин. Бу маълумотлар АНН'га бевосита bemor томонидан тақдим этилган маълумотлар йўқ бўлган вазиятда мавжуд бўлган энг яхши тахмин ва фаразлардан фойдаланиб, ариза топшириш жараёни учун қобилиятызиз bemorларнинг молиявий эҳтиёжи ҳақида асосли қарор қабул қилиш имконини бериши мумкин.

Беморнинг молиявий эҳтиёжни баҳолаш bemor маълумотларини кўриб чиқиша учинчи томондан фойдаланиши мумкин. Бундай кўриб чиқиша оммавий қайдлар маълумотлар базаларига асосланган соғлиқни сақлаш саноатида тан олинган моделдан фойдаланилади. Ушбу баҳолаш модели даромад, активлар ва ликвидлиликни баҳолашни ўз ичига олуви ижтимоий-иктисодий ва молиявий имконият кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш учун оммавий маълумотлардан фойдаланади. Бу технология ҳар бир bemorни мазкур Сиёсатга асосан биз томонимиздан қўлланиладиган одатий стандартлардан фойдаланган ҳолда баҳолаш учун мўлжалланган ҳамда ушбу технологиядан bemor тақдим этиши керак бўлган маҳсус маълумотлар мавжуд бўлмагандан фойдаланилади.

АНН ушбу тахминга асосланган жараённи вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш чораларини, шунингдек, bemor анъанавий ариза топшириш жараёнини амалга оширишга қобилиятызиз бўлганда, тахминга асосланган жараён молиявий ёрдам кўрсатиш юзасидан АНН учун мақбул қарор қабул қилинишига олиб келиш-келмаслигини аниқлаш чораларини кўради.

Тахминий ҳақиликни аниқлашда шу каби учинчи томон технологиясидан фойдаланилганда, мазкур Сиёсат асосида тақдим этиладиган чегирмалар фақат тегишли хизматлар учун аниқ хизмат кўрсатиш саналари бўйича берилади ҳамда тартиб-қоидаларда талаб этилган бўлса, bemorга ушбу қарор ва имтиёзлар ҳақида хабардор қилинади.

## **6. Молиявий ёрдамга алоқадор ҳисобларни тақдим этиш ва йиғимларнинг айрим хусусиятлари**

АНН bemor ва АНН зиммасидаги молиявий юкни камайтириш мақсадида, кўрсатилган хизматлар учун бадалларни тегишли учинчи томондан ундиришга ҳаракат қиласи. Учинчи томон тўлови кўрсатилган хизматлар учун ҳақни қоплай олмаган ёки учинчи томон тарафидан қоплаб бериш шарти мавжуд бўлмаган тақдирда, агар bemor мазкур Сиёсатга асосан молиявий ёрдам олмайдиган бўлса, кўрсатилган хизматлар учун тегишли ҳақлар bemor томонидан тўланилиши кутилади. АНН'нинг бадалларни ундириш ва тақдим этиладиган ҳисобларга оид тартиб-қоидалари тиббий хизматлар юзасидан ҳисобларни тақдим этиш ва йиғимлар ундириш масалаларини тартибга солувчи федерал ҳамда штат қонун ва тартиб-қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим.

АНН молиявий ёрдам олишга ҳақли бўлмаган беморлар ёки ҳисобланган тўловларни амалга оширишда АНН билан вижданан ҳамкорлик қилмаётган беморларга нисбатан бадалларни ундириш юзасидан одатий чораларни (шунингдек, ЕСАларни) қўллаши мумкин.

АНН одатда ҳисобнинг bemor тўлаши керак бўлган қисмига нисбатан бадалларни ундиришнинг одатий процессини қўллади. Агар bemor томонидан тўланиши керак бўлган қисм одатдаги бадал ундириш ҳаракатлари амалга оширилгандан кейин ҳам тўланмасдан қолса, АННънинг Даромадлар бошқаруви бошқармаси, белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ, тўланмаган қолдиқни умидсиз қарз статусига ўтказади ёки ўтказиши тавсия қиласди.

Ҳисоб умидсиз қарз сифатида таснифлангандан кейин, АНН бадалларни ундириш жараёнини давом эттириш учун турли ҳаракатларни амалга оширади. АНН ҳисобни ундириш учун бир ёки бир нечта ЕСАлардан фойдаланиши мумкин. Бироқ АНН, ёлғиз ўз ихтиёрига кўра, bemor томонидан молиявий ёрдам учун ариза топширилмаган ҳисобларга нисбатан ЕСА қўллашга киришишдан олдин, bemornинг молиявий ёрдамга ҳақли эканлигини аниқлаш учун тахминий ҳақлиликни аниқлаш методларидан фойдаланишга қарор қилиши мумкин. Агар bemor молиявий ёрдам учун тахминий ҳақлилик шартларига мос тушса, ЕСАлардан фойдаланилмайди ҳамда ҳисобдан бадалларни ундиришга уриниш ишлари тўхтатилади.

Тахминий ҳақли деб топилган bemorларнинг ҳисоблари, мазкур Сиёсатта мувофиқ, охир-оқибат хайрия ёрдами кўрсатилган ҳисоблар деб топилади. Бундай ҳисоблар бадал ундириш учун юборилмайди, уларга нисбатан кейинги ундириш чоралари қўлланилмайди ҳамда улар шифохонанинг умидсиз қарз харажатлари таркибиغا киритилмайди.

Шошилинч тиббий вазиятларга оид АНН Сиёсати хизмат кўрсатишдан олдин тўловларни ундириш ёки шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишига халал бериши мумкин бўлган бадалларни ундириш ҳаракатларини амалга оширишни тақиқлайди. Bemor шифохонадан чиққандан кейин биринчи марта унга тўлов ҳисоби юборилгандан бошлаб 120 кун ичida ҳамда дастлаб ўшбу bemor молиявий ёрдамга ҳақли ёки ҳақли эмаслигини аниқлаш юзасидан оқилона ҳаракатларни амалга оширмасдан туриб, bemorga нисбатан ЕСА қўллашга киришиш мумкин эмас. АНН молиявий ёрдам бошқармаси bemorga нисбатан ЕСА қўллаш ҳаракатлари бошланишидан олдин, унинг молиявий ёрдам олиш учун ҳақли ёки ҳақли эмаслигини аниқлаш юзасидан оқилона ҳаракатлар амалга оширилганини аниқлашга масъул ҳисобланади. Оқилона ҳаракатлар қўйидагиларни ўз ичига олади, лекин фақатгина шулар билан чекланмайди:

- Беморнинг тўланмаган ҳисоблар бўйича қарздорлигини ҳамда тўловлар бўйича барча учинчи томон манбалари аниқланганлиги ва уларга АНН томонидан ҳисоб тақдим этилганлигини текшириш ва тасдиқлаш
- Суғурталанмаган bemorga нисбатан, унга ўшбу Сиёсат ҳақида маълумот берилиб, молиявий ёрдам олиш учун ариза топшириш имконияти тақдим этилмагунча, тўловларни ундириш ҳаракатларини амалга оширишни тақиқлаш
- Молиявий ёрдамга ҳақлиликни аниқлаш учун топширилиши лозим бўлган ҳар қандай қўшимча маълумот ва ҳужжатлар тўғрисида bemornи ёзма равишда хабардор қилиш

- Беморнинг Medicaid ёки давлат ҳомийлигидаги бошқа тиббий ёрдам дастурлари доирасида тиббий харажатларни қоплаш учун ариза топширганини тасдиқлаш ва ушбу дастурларга ариза топширгани ҳақидаги ҳужжатларни олиш
- АНН бу каби тиббий харажатларни қоплаш дастурларига берилган ариза жавоби кутилаётган давр мобайнида ЕСАларни қўллаш ҳаракатларини бошламайди, бироқ харажатларни қоплаш юзасидан қарор чиқарилгандан кейин, агар мазкур Сиёсатга асосан bemor бошқа имтиёзларга эга бўлмаса, бадалларни ундириш бўйича одатий ҳаракатларни амалга оширишга киришади.
- Агар bemor молиявий ёрдам олиш учун ариза топшириш жараёнини охирига етказмаса, АНН ЕСАларни қўллаш ҳаракатларини бошлаши ёки давом эттириши ҳақида bemorga ёзма хабарнома юбориш
- Ёзма хабарнома қабул қилинган пайтдан бошлаб 30 кун ичida тўловлар амалга оширилмаса, АНН томонидан қўллаш ҳаракати бошланадиган ёки давом эттириладиган ЕСАлар ҳақида bemorga ёзма хабарнома юбориш

Федерал йўриқномага кўра, bemor шифохонадан чиққандан кейин унга биринчи марта тўлов ҳисоби юборилган санадан бошлаб 120 кунлик хабардор қилиш даври тугагач, АНН томонидан ЕСАларни қўллашга рухсат этилади. Бироқ дастлабки 120 кунлик хабардор қилиш давридан кейинги 120 кун давомида ҳар қандай вақтда, АНН bemordan молиявий ёрдам олиш учун аризани қабул қилиши ва кўриб чиқиши лозим ҳамда bemorning молиявий ёрдамга ҳақли ёки ҳақли эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилингунicha ЕСАни қўллаш ҳаракатлари тўхтатиб турилади. Шунга кўра, АНН томонидан молиявий ёрдам ҳақидаги аризаларни қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши учун умумий муддат bemor шифохонадан чиққандан кейин унга биринчи марта тўлов ҳисоби юборилган санадан бошлаб 240 кунни ташкил этади.

Даромадлар бошқаруви бўйича АНН бош директори ёки унинг ўринбосари томонидан берилган ёзма рухсатсиз, ҳеч бир шахс, ҳуқуқий фирма ёки бадалларни ундириш органи АНН'га тўланмаган ҳисоб юзасидан bemorga нисбатан ҳуқуқий ҳаракатларни қўзғатиши мумкин эмас.

Бемор банкротликка учраган ҳолларда, АНН банкротлик ҳақида ариза топширилганлиги тўғрисидаги маълумотномани олиши билан, олдинги ва банкротлик ҳақидаги ариза топширилган санагача кўрсатилган хизматлар учун тўланмаган қолдиқ сummани ундириш ҳаракатлари дарҳол тўхтатилади.

### **МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ БЕРИШ**

АНН мазкур Сиёсатга асосан бажариладиган ҳаракатларга нисбатан амал қилувчи барча федерал, штат ва маҳаллий қонунлар, қоидалар ва тартиб-қоидаларга ҳамда ҳисбот бериш талабларига тўлиқ риоя қиласи.

Мазкур Сиёсат ушбу ҳужжатда белгиланганидек қўлланилишини таъминлаш мақсадида, молиявий ёрдам жараёнлари ва тартиб қоидалари даврий равишда қайта кўриб чиқилади.

Молиявий ёрдам бошқармаси маъмурияти молиявий ёрдамга оид ҳужжатлашириш, ҳисобот бериш ва йигим ишлари учун масъул бўлган асосий ички бошқарма ҳисобланади. Марказ даромадлар бошқаруви бўйича бош директор ва AHN бошқарувчиси назорати остида фаолият юритади.

### СИЁСАТНИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ЭЪЛОН ҚИЛИШ

AHN шифохоналари хизмат кўрсатувчи ҳар бир ҳудудда асосий ҳисобланувчи тилда мазкур Сиёсатни кўлга киритиш имкони бўлиши лозим. Тиббий муассасалардаги белгиланган жамоат жойларида, жумладан, камида шошилинч ёрдам кўрсатиш хонасида (агар бўлса) ва қабулхона ҳудудида мазкур Сиёсат, ариза шакли ва ушбу Сиёсатнинг содда тилдаги қисқача баёнининг қоғоз нусхаларини сўров асосида ва бепул қўлга киритиш ҳамда почта орқали олиш мумкин. АҲН bemorlar ва ташриф буюрувчilarни, уларнинг молиявий ёрдамга муҳтож бўлиши мумкин бўлган жаъмиятимиз аъзолари билан мuloқotga киришиши ва уларга бу ҳақида хабар беришини кутган ҳолда, стандарт брошюралар ва кўргазмали белгилар ёрдамида маълумот билан таъминлайди. Бундан ташқари, мазкур Сиёсат, ариза шакли ва Сиёсатнинг содда тилдаги қисқача баёнини АҲН веб-сайтида ҳам мавжуд (<https://www.ahn.org/financial-assistance-ahn-bills>).

### АДАБИЁТЛАР

Ички даромад кодекси 501 (r) бўлими

26 Федерал тартиб-қоидалар кодекси, 1.501(r)-1 дан 1.501(r)-7 гача

Шошилинч тиббий ёрдам ва меҳнат қонуни бўйича AHN сиёсати (Сиёсатнинг давлат ID рақами: 2538428).

### ИЛОВАЛАР

Илова А: Молиявий ёрдам сиёсати томонидан қамраб олинмаган хизматлар


Илова Б: Қашшоқлик бўйича федерал йўриқнома

Илова С: Шошилинч ва бошқа зарурий тиббий ёрдам билан таъминловчилар рўйхати

Илова Д: Аллегейни соғлиқни саклаш тармоғи муассасаларида AGB'ни ҳисоблаш

Илова Э: Вестфилд ёдгорлик шифохонасининг молиявий ёрдами учун алоҳида ва қўшимча талаблар

Илова Ф: Ликвидли активлар миқдорлари



Имзо/Сана  
Молиявий масалалар бўйича бош директор



Rachel D. Verville  
Имзо/Сана  
Даромадлар бошқаруви бўйича бош директор